

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАБИЙ ДОРОВОСИТАЛАР САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Орипов Мирзо Маҳмудович

Аннотация: Ўзбекистон ўзининг иқлими ва табиий шарт-шароитлари билан бир қанча устунликларга эга. Мамлакатимизда 750 дан зиёд доривор ўсимликлар табиий шароитда ўсади. Улардан баъзилари еса маҳаллийлаштирилган. Бутун дунёда табиий дори воситалари ва БФҚ (биологик фаол қўшимчаларга) бўлган талаб ўсиб бормоқда. Уш бумалолада Ўзбекистонда табиий доривоситалар саноатини ривожлантириш истиқболлари мавзуси тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: Саноат, флора, фармацевтика, бозор, доривор ўсимликлар, дунё бозори.

Маҳаллий флорага мансуб 4,3 мингдан ортиқ ўсимликларнинг 750 тури доривор ҳисобланиб, улардан 112 тури илмий тиббиётда фойдаланиш учун рўйхатга олинган, шундан 70 тури фармацевтика саноатида фаол қўлланилиб келинмоқда. 2019 йилда 48 миллион АҚШ доллари қийматидаги қайта ишланган доривор ўсимликлардан олинган маҳсулотлар экспорт қилинган¹.

Бугунги кунда фармацевтика саноати, дунё бозоридаги энг етакчи ва тез ривожланиб, ўсиб бораётганлиги билан ажралиб туради. Манба ва адабиётлар таҳлили шуни кўрсатяптики 2015 йилдан бошлаб дунё фармацевтика маҳсулотлари бозори йиллик ҳажми 1 трлн. АҚШ доларидан ошиб, 2018 йилда 1,3 трлн. АҚШ доларига етган. 2017 йилдаги жаҳон фармацевтика маҳсулотлари бозорида ишлаб чиқарилган дори воситаларнинг 51% АҚШ ва Хитой улушига тўғри келган.² Жаҳон фармацевтика маҳсулотлари бозорида ишлаб чиқарилган дори воситаларнинг 68% ривожланган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келган.

Юқоридаги маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, жаҳон фармацевтика саноати кўламининг 1 трлн. АҚШдан ошгани, биологик дори воситалар ҳажмининг 7 йилда 55% дан ўсгани, мамлакатимизда 2019 йилда 48 миллион АҚШ доллари қийматидаги доривор ўсимликлардан олинган маҳсулотларни экспорт қилиниши бу жуда паст кўрсаткич. Доривор ўсимликлар соҳасини ривожлантириш салоҳиятимиз жуда юқори. Мисол тариқасида 1- чизмани таҳлил қиладиган бўлсак, АҚШда 2017 йилда 43 та янги инновацион дори воситаси ишлаб чиқарилиб, 31,6 млрд. АҚШ доларига сотилган. Жаҳон банкани маълумотига кўра 2017 йилда Ўзбекистон ЯИМ 59,16 млрд. АҚШ долларни ташкилл этган.

¹ “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670

² <https://adindex.ru/news/researches/2018/08/7/173269.phtml>

АҚШда 2017 йилда 43 та доривостасининг сотув ҳажми Мамлакатимиз 2017 йилги ЯИМсининг 55.5% ни ташкил этган.

1-чизма

Янги дори воситаларни 2013-2017 йиллар АҚШ бозорига чиқиши ва уларнинг савдо ҳажми млрд.АҚШ долларидан



31.6 млрд. АҚШ долларини 43 га бўладиган бўлсак, бу ўртача ҳар бир инновацион дори воситасига йилига 734,9 млн АҚШ долларига тўғри келган. Шу кўрсаткични 2019 йилдаги Ўзбекистон доривор ўсимликлардан олинган маҳсулотларни экспорт ҳажмига (48 млн. АҚШ долларига) нисбатини оладиган бўлсак, 15.3 марта кўпни ташкил этади.



Мамлакат миқёсидаги 70 турдаги маҳсулотнинг экспорт ҳажми 1 та ташкилот томонидан ишлаб чиқарилган 1 та инновацион маҳсулот сотув ҳажмидаги тафовутни 15,3 бараварга фарқ қилиши инновациянинг нақадар самарадорлигини исботидир. (2 – чизмага қаранг) Инновация замирида жуда кўп сонли мутахассис ва олимлар гуруҳининг йиллар давомидаги меҳнати ва юқори технологик лабораторик тажрибалари, миллиардлаб доллардаги инвестициялар асосида шакланган инфратузилма ётибди. Табиийки булар ўз самарасини беради. Ўзбекистонда дори воситалари саноатини айниқса

йилдан йилга талаб тез ошиб бораётган табиий дори воситаларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш жуда кўп пировард натижаларга олиб келади.

3 <https://marketpublishers.ru/lists/11548/news.html>

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелда қабул қилинган “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора тадбирлари тўғрисида”ги қарори аини муддао бўлди. Қарорда соҳани ривожлантиришга оид жуда кўп кенг тармоқли чора – тадбирлар белгиланиб амалга оширилмоқда. Соҳани ривожлантириш орқали Мамлакат иқтисодиётини, **аҳоли бандлигини, даромадини жадал суратларда ошириш мумкин.**

Доривор ўсимликларни етиштириш, қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг ўзига хос ечим талаб этадиган жабҳалари талайгина. Бунинг учун кенг қамровли илмий, амалий тадқиқот ишларини олиб бориб, тавсиянома ва йўруқномаларни ўзида жамлаган очиқ портал (электрон маълумотлар омборини) ишлаб чиқиш лозим. Ушбу порталда шу соҳага оид барча маълумотлар қамраб олинган бўлиши лозим. Яна соҳага оид синов тажриба майдонлари, замонавия лабораториялар ва инфратузилмани ташкил этиш зарур. Соҳани ривожлантириш учун бир қанча мутахасислар жамоа бўлиб фаолият юритиши керак. Жумладан ботаниклар, фармакологлар, кимёгарлар, биокимёгарлар, фитотерапевтлар, турли соҳадаги етакчи шифокорлар, технологлар, иқтисодчи, маркетинг, менеджер, муҳандислар, ҳуқуқ шунос, дастурчи, таржимон, моолиячи, манбашунослар ва бошқа мутахасисларни ҳамкорликда ишлашни талаб қилади. Соҳага оид хорижий илмий – амалий тадқиқот марказлари ва соҳанинг етакчи мутахасис, олимлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш лозим бўлади.

1. Модомики бизда 750 та доривор ўсимлик тури мавжуд экан, уларни гуруҳларга ажратиб чиқиш лозим.

- 1.1. Уларни ўсиш шароити чўлдами, тоғдами, ўрмондами ... (харитасини тузиш).
- 1.2. Бир йиллик, кўп йиллик;
- 1.3. Маданийлаштириш жараёнининг мураккаблиги;
- 1.4. Экиш, парваришланишнинг ўзига хослиги;
- 1.5. Йиғим терим мавсуми;
- 1.6. Сақлаш, қайта ишлашнинг ўзига хослиги...

Сердаромад, касалликларга чидамли, парваришлаш мураккаб бўлмаган, талаб юқори бўлган ўсимлик ва навларини аниқлаб, ҳудудлардаги иқлим ва шарт шароитлардан келиб чиқиб деҳқон ва фермер хўжаликлариде илғор, тежамкор (гидропоника; сувни озонлаштириб томчилаб суғориш, ёмғирлаб суғориш...) етиштиришни рағбатлантириш лозим. Бу соҳа янги бўлгани учун уларни зарур бўлган билим-малака, маълумот ва ахборот билан юқорида айтилган портал орқали таъминлаб бориш. Портал орқали қайта алоқани йўлга қўйиб мутахасислар билан боғлаб зарурий маслаҳат хизматларини кўрсатиб бориш керак.

Шунда етиштирилган тайёр маҳсулотни маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг олдиндан буюртмаси асосида қайта ишлаб етказиш тизимини йўлга қўйиш керак бўлади. Тизим деганда ҳудудларда етиштирилган бирламчи маҳсулотни қайта ишлаб, қадоқлашга ихтисослашган кичик корхоналар ташкил этиш назарга тутилди. Шу

аснода босқичма – босқич саноатни ривожлантириб, таёйр дори воситаларни ишлаб чиқаришга эришса бўлади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Н.В.Пятигорский “Промышленная фармация путь создания продукта”. Москва 2019
2. “Биофармацевтическое производство. Разработка, проектирование и внедрение производственных процессов” пер. с англ. яз. под ред. А. А. Ишмухаметова, Н. В. Пятигорской. — СПб.: ЦОП «Профессия», 2020
3. “Руководства ICH для фармацевтической отрасли. Междисциплинарные руководства” пер. с англ. под ред. Береговых В.В. – ЦОП "Профессия", г. Санкт-Петербург, 2018.
4. “Руководство ICH для фармацевтической отрасли. Эффективность” пер. с англ. под ред. Пятигорской Н.В., Сименива С.Я. – ЦОП "Профессия", г. Санкт-Петербург, 2017.
5. Как разработать и внедрить национальную лекарственную политику 2-е издание. Перевод выполнен Мешковским А.П., Никулиной С.В. под редакцией Стародубова В.И., Сергиенко В.И, Береговых В.В. М., 2006 г.
- 6.